

Ўзбекистон мусулмонлари идораси делегация аъзолари Россия муфтийсининг биринчи ўринбосари билан учрашдилар



13:00 / 11.06.2022 2049

Жорий йилнинг 8 июнь куни илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси раисининг биринчи ўринбосари, Москва ислом институти ректори, Санкт-Петербург давлат институти Исломшунослик маркази раҳбари Дамир ҳазрат Муҳиддин Ўзбекистон делегация аъзолари билан учрашдилар. Учрашув давомида вакилларимизни институтда олиб борилаётган илмий ишлар билан яқиндан таништириб ўтдилар. Хусусан, «Медина» нашриётида чоп этилган китоблар, қадимий қўлёзмалар ҳақида маълумот бериб, келажакда ҳамкорлик қилиш ниятларини изҳор этдилар. Дўстона муҳитда ўтган учрашув якунида эсдалик совғалар улашилди.